ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

«ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ЖИҲОЗЛАР” КАФЕДРАСИ

Малакавий битирув ишини бажариш бўйича

УСЛУБИЙ КЎРСАТМА

5140900--«Касб таълими» соҳа йўналишлари бўйича таълим олаётган бакалаврлар учун мўлжалланган

Бухоро-2014

Ушбу услубий кўрсатма Бухоро муҳандислик технология институтининг Илмий услубий кенгашининг «___»_____ 2014 йилда бўлиб ўтган ___ сонли мажлисида кўриб чиқилди ва чоп этишга тавсия этилди.

Ушбу услубий кўрсатмада Ўзбекистон Республикасида кадрлар тайёрлаш миллий дастурига, ҳамда Олий ўқув юртлари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги Низомга асосан, бакалавр битирув малакавий ишини бажариши бўйича барча долзарб масалалар батафсил ёритилган.

Услубий кўрсатма 5140900-Касб таълими “Сервис” соҳа йўналишлари бўйича таълим олаётган бакалаврлар учун мўлжалланган.

Тузувчилар: **Л.П.Узоқова, доцент.**

Тақризчилар:

КИРИШ

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да кўрсатиб ўтилганидек ўқув тарбия жараёнининг сифатини жаҳон стандартлари даражасига кўтариш, узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш, юксак касбий, маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали педагогик кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини яратиш кўзда тутилган. Бунга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2001 йил 4 октябрдаги «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 400 – сонли қарори мазкур муаммонинг бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири эканлиги яққол мисол бўлади.

Инсоният жамиятининг ижтимоий тараққиётида педагоглар ролининг муҳимлиги исбот талаб этмайдиган хақиқатдир. Чунки таълим соҳаси ҳар бир инсон, фуқаро ва касб-ҳунар соҳиби ёшлик чоғидан бошлаб ҳаёт фаолиятининг турли босқичларида босиб ўтадиган ижтимоий институт ҳисобланади. Айнан мана шу ижтимоий институтда марказий сиймо ҳисобланган педагогларнинг машаққатли касбий фаолияти орқали давлат сиёсати, фан, техника ва маданиятни ривожлантириш, халқнинг интеллектуал ҳамда маънавий имкониятлари яратилиб, буюк мақсадлар реалликка айланди, шунинг учун ҳам педагогик кадрлар тайёрлаш, республикамиз учун долзарб муаммо ҳисобланади.

Бакалавриат дастури тугаганидан сўнг битирувчиларга давлат аттестация якунига биноан муайян касби бўйича «бакалавр» даражаси берилади. Бунинг учун талабалар ўқиш даврининг охирги босқичида битирув малакавий ишини бажарадилар.

Ушбу услубий кўрсатмада 5140900- Касб таълими “Сервис” йўналишларида талабаларни битирув малакавий ишини бажаришини ташкил этиш масалалари батафсил ёритилган.

1. МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШНИ БАЖАРИШНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Малакавий битирув ишни бажариш олий ўқув юрти бакалавриатида талабаларни ўқитишнинг якуний босқичидир.

Малакавий битирув ишни бажариш мақсади:

Таълим бўйича назарий ва амалий билимларни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, олинган билимларни муайян илмий, методик, техникавий, ишлаб чиқариш, иқтисодий, ижтимоий, маданий вазифаларни ҳал этишда қўллаш;

Ижодий ишлаш, ишлаб чиқилаётган масаланинг (муаммонинг) қўйилиш жараёнидан бошлаб, уни тўла ниҳоясига етказиш бўйича қарор қабул қилишда бўлган масъулиятни ҳис этишга ўргатиш;

Замонавий ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, техника ва маданиятнинг ривожланиши шароитида талабаларни мустақил ишлашига тайёргарлигини таъминлаш.

Битирув ишининг яна бир мақсади мавзу бўйича битирувчининг шахсий кузатишлари, педагогик амалиёт даврида илмий-педагогик фаолияти натижасида тўплаган барча илмий ва амалий далилий маълумотларни мустаҳкамлаш ва тартибга солишдир. Бунда битирув ишидаги у ёки бу ҳолатларнинг илмий ёки амалий аҳамияти ва қийматини асослаб беради.

2. БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШЛАРНИНГ МАВЗУСИ

Битирув малакавий ишлар мавзуси муаммонинг замонавий ҳолатини ва иқтисодиёт, ишлаб чиқариш, техника, методика, ижтимоий соҳалар, фан, таълим ва маданиятнинг истиқболий ривожланишини акс эттириши керак.

Битирув малакавий ишлар мавзуси мутахассис чиқарувчи кафедра томонидан белгиланади ва олий ўқув юрти ёки факультетнинг илмий кенгаши томонидан тасдиқланади.

Малакавий ишлар мавзусининг йиллик рўйхати битирув амалиёти бошланишига қадар ёки битирув курсининг бошида эълон қилинади.

Талабаларга малакавий ишларнинг мавзуларни танлаш ҳуқуқи берилади. Талаба ёки талабанинг ўқиши учун тўлов-контракт маблағини тўловчи буюртмачи зарурий асослар билан малакавий ишлар мавзуси бўйича ўз вариантларини таклиф этишлари мумкин.

Малакавий иш мавзуси ва раҳбарни талабага бириктириш, кафедранинг тақдимномаси бўйича ректорнинг буйруғи билан расмийлаштирилади.

Иш раҳбари, малакавий ишнинг мавзусига мувофиқ талабага малакавий ишга тегишли материалларни тўплаш бўйича (жумладан, малакавий амалиёт ўтказиш даврида ҳам) топшириқ беради. Топшириқнинг шакли олий ўқув юртининг ўқув бўлими томонидан белгиланади. Топшириқ малакавий иш билан биргаликда Давлат аттестация комиссиясига тақдим этилади.

5140900-«Касб таълими»-соҳа йўналишлари бўйича малакавий битирув ишларининг мавзулари қуйидаги кўринишда бўлади:

Масалан:

Ўқув жараёнида замонавий таълим технологияларини жорий қилиш мақсадида «Тармоқ машиналарини лойиҳалаш асосла-ри» фанидан модулли ўқув дастурини ишлаб чиқиш

Ўқув жараёнида замонавий технологияларни жорий қилиш мақсадида «Тармоқ машиналарини таъмирлаш» фани бўйича таълим технологиясини ишлаб чиқиш

Касб-ҳунар коллежи ўқувчилари учун «ТМЖни ўрнатиш, ишлатиш ва таъмирлаш» фанидан модулли ўқув дастурини ишлаб чиқиш

Касб ҳунар коллежларида мустақил таълимни ташкил этиш, ўтказиш ва баҳолаш

Касб-ҳунар коллежларида назарий машғулотларни ташкил этиш, ўтказиш ва баҳолаш.

Касб-ҳунар коллежларида “Тикувчилик корхона жиҳозлари” фанидан мустақил ишлар орқали билим ва кўникмаларни ривожлантириш йўлларини ишлаб чиқиш

Касб-ҳунар коллежларида ўқув амалиётини ташкил этишда таълимнинг фаол методларидан фойдаланиш.

3. БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИГА РАҲБАРЛИК ҚИЛИШ

Малакавий ишларга раҳбарлар ушбу олий ўқув юртининг профессор-ўқитувчилари ҳамда бошқа муассаса ва корхоналарнинг юқори малакали мутахассислари сафидан тайинланади.

Малакавий иш раҳбари талабага:

- топшириқ беради;
- малакавий ишнинг бажарилиш жадвалини режалаштиради;
- асосий адабиётлар, маълумот ва архив материалларини ҳамда мавзу бўйича бошқа манбааларни тавсия этади;
- талабалар билан мунтазам равишда маслаҳатлар ўтказади;
- малакавий ишнинг бажарилиш жараёнини назорат қилади;
- талаба бажарган малакавий ишнинг сифати ва муаллифлигига жавоб беради, мавзуларининг қайтарилишига ва кўчирилишига йўл қўймайди;

Малакавий иш берилган топшириқ асосида шахсан талаба томонидан бажарилади.

Малакавий ишнинг ҳар бир бўлими мувофиқ асослар, қарорлар ва хулосалар билан ёритилади. Малакавий ишда, илгари бажарилган мустақил ишларнинг натижалари ёки бошқа муаллифларнинг (илмий маърузалар ва мақолалари, ҳисоб-китоб графика ишлари, курс ишлари ва лойиҳалари, албатта

номлари кўрсатилган ҳолда) ишлари акс эттирилиши ёки улардан фойдаланиш мумкин.

Тушунтириш қисмида малакавий ишнинг мазмунини қисқа ва муайян шаклда ифодалаши лозим. Зарурий ҳолларда тушунтириш қисмига графиклар, расмлар, эскизлар, диаграммалар, схема ва бошқалар, шунингдек, зарурий қўшма ахборот ёзилган дискетлар илова этилиши мумкин.

Малакавий иш қўл ёзма тарзида расмийлаштирилган бўлиши шарт.

Чизмаларнинг формати, шартли белгилари, шрифт ва масштаблари амалдаги ГОСТлар талабларига қатьий мувофиқ келиши зарур.

Чизмалар форматда, техника воситалари орқали экранда кўрсатилиши мумкин.

4. МАЛАКАВИЙ ИШНИНГ БАЖАРИЛИШИ

Малакавий иш олий ўқув юртининг, одатда, ушбу мақсадда мутахассис чиқарувчи кафедра ёки деканат томонидан махсус ажратилган хоналарида бажарилади. Айрим ҳолларда, малакавий иш корхоналар, муассасаларда бажарилади.

Малакавий ишнинг бажарилиши бўйича талабанинг ҳисобот бериш муддатларини деканат томонидан назорат этилади. Деканат белгилаган муддатларда, талаба малакавий ишнинг бажарилиши ҳақида раҳбар ва кафедра мудири олдида ҳисобот беради. Кафедра мудири малакавий ишнинг тайёрлик ҳолатини белгилайди.

Талаба иш муаллифи, танланган қарорнинг тўғрилигига ва унинг топшириққа мувофиқлигига, малакавий ишда кўчирмачилик ҳолатининг йўқлигига жавоб беради.

5. МАЛАКАВИЙ ИШНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

Белгиланган тартибда расмийлаштирилган малакавий иш талаба томонидан раҳбарга тақдим этилади. Раҳбар малакавий иш талаб даражасида бажарилганлигига ишонч билдирганидан сўнг, ишни ўз тақризи билан бирга кафедра мудирига тақдим этади. Тақризда талабанинг фаоллиги, қабул қилинган қарорлардаги янгиликлар ва малакавий ишнинг бошқа ижобий томонлари тавсифланади.

Кафедра мудири, тақдим этилган материаллар асосида, малакавий ишни талаба томонидан Давлат аттестация комиссиясида ҳимоя қилишга киритиш ҳақида қарор қабул қилади. Агар, кафедра мудири талабанинг малакавий ишини ҳимояга киритиш мумкин эмас деб ҳисобласа, масала кафедра мажлисида, раҳбар иштирокида муҳокама этилади. Кафедра мажлисининг баённомаси факультет декани томонидан тасдиқ учун ректорга тақдим этилади.

Ҳимояга киритилган малакавий иш тақризга юборилади.

Тақризчилар таркиби битирувчиларни истеьмол қилувчи соҳа мутахассислари сафидан танланади. Тақризчилар сифатида олий ўқув юртларининг профессор ва ўқитувчилари ҳам жалб этилиши мумкин.

Факультет декани малакавий ишни тақриз билан ҳимоя учун ДАКга юборади.

Битирув малакавий ишни ҳимоя қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлари битирувчиларини якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги Низомда белгиланган.

6. МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Бакалавр малакавий битирув ишида барча фанлар блокидан олинган билимларини қўллаб, тугалланган касбий малака ечилади. Бу эса касб-ҳунар коллежи ўқитувчисининг педагогик фаолият мазмунини очиб беради.

Бу ишда бакалавр-талабаларга қуйидаги талаб қўйилади:

1. Мавзу бўйича умумий маълумот тўплаш ва таҳлил қилиш, мавзуни асослаш.
2. Танланган мавзуни мақсади, вазифаси, мазмуни ва долзарблигини ёритиш.
3. Битирув иши қуйидаги тузилишдан иборат бўлиши: титул варағи (илова); мундарижа; кириш; асосий қисм - мавзу бўйича маълумотлар; мавзу бўйича дарс ўтиш методикасини ишлаб чиқиш; хулосалар; фойдаланилган адабиётлар рўйхати; иловалар.
4. Битирув малакавий иши бўйича комплекс педагогик, психологик ва услубий, техник ечимларни ишлаб чиқиш (назарий ечимлар, тажриба натижалари, ихтиролар, таклифлар, ўқув ва ишлаб жараёнини моделлаштириш, технологиялаштириш ва бошқалар).
5. Қабул қилинган комплекс педагогик, психологик ва услубий, техник лойиҳалаш ечимларни иқтисодий самарадорлигини умумий тарзда баҳолаш.
6. Янги педагогик технологияларга асосланган дарс ўтиш методикасини ишлаб чиқиш.
7. Мутахассисликлари бўйича танлаган мавзуларига маърузалар матнлари тайёрлаш.
8. Бажарилган иш натижаларига хулоса ва таклифлар киритиш ва унинг касб-ҳунар коллежларининг ўқув-тарбия жараёнида қўллаш мумкинлигини аниқлаш.
9. Битирув малакавий иши аниқ мавзу бўйича ёзилиши зарур.
10. Битирув малакавий ишининг мавзуси кафедра томонидан, талабаларнинг мутахассисликларидан келиб чиққан ҳолда, ҳамда мавзуни қабул қилиб олувчилар (касб-ҳунар коллежлари) талаби ва замонавий психолого-педагогик фан, техника, олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларининг илғор тажрибаларини ва педагогик технологияларни ҳисобга олган ҳолда аниқлаш.
11. Битирув малакавий ишини берилган муддат ичида бажариш.
12. Битирув малакавий ишини ҳажми мутахассис чиқарувчи кафедра профессор-ўқитувчилар томонидан 60-80 бет ёзув-тушунтириш матни бўлиши тавсия этилади ва 4 та чизма: 2 та методик қисмига 2

та техникавий қисмига. Чизмаларнинг 1 ёки 2 таси техник воситалардан фойдаланиб кўрсатилиши ҳам мумкин.

7.БИТИРУВ ИШИНИНГ МАЗМУНИ

Битирув иши мавзусини бажаришда қуйидагиларни ишлаб чиқиш кўзда тутилади:

Титул варағи- битирув ишининг биринчи бети ҳисобланади ва қатьий қоидалар асосида тўлдирилади. Титул варағидан кейин битирув ишининг мундарижаси жойлаштирилади. **(иловага қаранг).**

Мундарижада кириш, асосий қисм-мавзу бўйича маълумотлар; мавзу бўйича дарс ўтиш методикасини ишлаб чиқиш; хулоса ва таклифлар; фойдаланилган адабиётлар рўйхати; иловаларнинг бошланиш бетлари рақами кўрсатилади.

Ҳажми- 1 бет.

1. Кириш қисмида- ҳозирги кунда касб-ҳунар коллежларида тайёрланаётган мутахассисларга қўйилган талаблар, мавзунинг долзарблиги, битирув ишининг мақсад ва вазифалари, Республикамиз Вазирлар Маҳкамасининг таълим тизимидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича қабул қилинган қарорлари, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва «Таълим тўғрисидаги қонун»нинг жойларда бажарилиши, битирув ишида кўриладиган масалалар мажмуаси ёритилади.

2. Фан ва мавзуни тавсифи. Касб-ҳунар коллежларида мутахассис тайёрлашда фанни тутган ўрни ва аҳамияти, унинг тавсифи. Мутахассис тайёрлашда қуйидагилар кўрсатилади: мавзунинг хусусияти, унинг назарий ва амалий йўналиши, фанлараро боғланишларнинг характери ва аҳамияти, уни ўқитиш жараёнида амалга ошириш.

Ҳажми- 7-10 бет

3. Мавзуни ўтиш методикасининг умумий масалалари:

3.1. Дидактик принциплар (тамойиллар)ни ўқув жараёнига қўллаш;

3.2. Дарс ўтишни ташкилий шаклларини танлаш ва асослаш;

3.3. Ўқитиш методларини танлаш ва асослаш;

3.4. Кўргазмали қўлланма ва ўқитишнинг техник воситаларини дарсда қўллаш.

Ҳажми-8-10 бет.

4. Назарий дарс ўтиш методикаси.

- Лойиҳаланаётган дарс машғулот таркиби асосланади;
- Дарс режаси ишлаб чиқилади;
- Дарс ишланмаси тайёрланади;
- Ўқитиш технологияси ишлаб чиқилади;
- Маъруза матни тайёрланади;
- Дарснинг таркибий қисмини ҳар бирини ўтиш методикаси батафсил ёритилади.

Ташкилий қисм- машғулотни бошлаш методикаси;

- **Уй топшириғини текшириш**-ўтилган ўқув материаллари бўйича ишлаш методикаси (олдинги ўтилган дарс бўйича ўқувчи билимини баҳолаш);
- **Янги ўқув материалини ўтиш методикаси;**
- **Янги материални мустаҳкамлаш**-ўтилган ўқув материалини ўтиш методикаси (биринчи гал мустаҳкамлаш);
- **Якуний қисм –** машғулотни якуний қисмини ўтказиш методикаси;

Ишнинг бу қисмини ёритишда ўқув жараёнига педагогик технологияларга асосланган ўқитишнинг фаол усулларини қўллашга аҳамият бериш зарур.

Ҳажми – 15-20 бет

5. Лабаратория-амалий машғулот ўтиш методикаси.

Мавзу бўйича битта амалий машғулот ўтиш келтирилади:

- Машғулот режаси тузилади;

- Машғулотни самарали ўтиш учун гуруҳларга бўлиб, иш жойлари билан алмашиш режасини ишлаб чиқиш;

- Гуруҳлар (битттаси учун) кўрсатмали технологик карта ишлаб чиқилади;

- Ўқитиш воситалари ва методларини танлаш асосланади.

- Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги бўйича масалалар хал этилади.

Ҳажми-12-15 бет.

6. Ишлаб чиқариш таълимини ўтиш методикаси (Касб таълими йўналишлари бўйича):

6.1. Ишлаб чиқариш таълимининг турлари ва уларнинг мазмуни;

6.2. Танланган мавзуни ўтиш учун ташкилий шакл ва методларни танлаш ҳамда асослаш;

6.3. Машғулот жараёнига дидактик принциплар (тамойиллар)ни қўллаш хусусиятлари;

6.4. Ўқув (полигони, устахонаси, махсус ажратилган бокслар) майдони ва унинг асосий вазифаси;

6.5. Ўқув (полигон, устахона, махсус ажратилган бокслар) майдонини гуруҳлар сонига қараб ҳисоблашни асослаб бериш;

6.6. Ўқув майдонини жиҳозлаш;

6.7. Ажратилган ўқув майдонларида машғулот ўтиш методикасини ишлаб чиқиш;

6.8. Ишлаб чиқариш таълимини ўтишнинг методик таъминоти-(Касб таълими йўналишлари бўйича):

- Машғулот режаси;
- Дарс матни;
- Машғулотни самарали ўтиш учун гуруҳларга бўлиб, иш жойлари билан алмашиш режасини ишлаб чиқиш;
- Касб таълими йўналишлари бўйича техникалардан фойдаланиш ва уларни ўрганиш, ўргатиш машғулотларининг ўтиш методикасини ишлаб чиқиш;

- Дарснинг технологик харитаси;
- Машғулот давомида қўлланиладиган ўқитиш воситалари;
- Машғулот давомида ва охирида ўқувчилар билимини баҳолаш.

6.9. Машғулот ўтиш методикасини ишлаб чиқиш.

6.10. Хулоса, тавсия ва таклифлар**.**

Ҳажми-15-20 бет.

7. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш.

Касб-ҳунар коллежларини ўқув устахонасида, машиналарга техник хизмат кўрсатиш пунктларида, лабораторияларда машғулот ўтиш жараёнида атроф-муҳитни ҳимоя қилиш масалаларини кўриб чиқиш.

Ҳажми-1-2 бет

8. Хулоса ва таклифлар- битирув малакавий иши бўйича чиқарилган хулосалар ва аниқ таклифлар, битирувчи битирув иш устида ишлаш даврида ўзининг педагогик фаолият жараёнида эришган натижаларини таққослаш имкони кабилар мужассамлаштирилади. Хулоса ва таклифлар ҳар бир қисми учун ҳам берилиши мумкин.

Ҳажми- 1-2 бет.

7. Фойдаланилган адабиётлар- рўйхатида битирув ишини бажариш жараёнида фойдаланилган ва ўрганиб чиқилган адабиётлар, меъёрий ҳужжатлар, нашр қилинган илмий мақолалар, олинган патентлар рўйхати, фойдаланилган маърузалар матнлари, илмий журналлар келтирилади. Адабиётлар рўйхати алфавит тартибида янги талаблар асосида тузилади ва ёзилади. Ҳар бир манба бўйича:

- фойдаланилган адабиётнинг рўйхат бўйича тартиб рақами;
- муаллифнинг фамилияси, исми ва насаби;
- монографиянинг номи, меъёрий маълумотлар;
- нашр қилинган жойнинг номи;
- нашриёт номи;
- чоп этилган йили;
- қанча бетдан иборатлиги кўрсатилиши шарт.

Масалан:

1. И.А.Каримов. Баркамол авлод орзуси. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. Тошкент., 2000.-245 б.
2. С.Я. Батышев. Профессиональная педагогика. “Профессиональная образование”. Москва. 1997. 511 с.
3. Олимов Қ.Т.,Узоқова Л.П. ва бошқалар. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. Касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари учун методик қўлланма.-Тошкент: Фан, 2004. – 119 б.
4. Р.Мавлонова. О.Тўраева. К.Холиқбердиев . «Педагогика» «Ўқитувчи» - 2001 .

Хорижий адабиётлар рўйхати охирида келтирилади.

Интернет манзиллари адабиётлар рўйхатининг охирида келтирилади.

Эслатма: Битирув малакавий ишини бажариш даврида фойдаланган адабиётлар албатта адабиётлар рўйхатида келтирилиши ва шу рўйхат тартиби билан фойдаланган жумлаларда кўрсатиб қайд этилиши керак.

Масалан: Ҳозирги кунда муҳандис-педагогларга қўйилган талаблардан бири касб-ҳунар коллежларида махсус фанлар ўқув-услубий мажмуасини яратишдан иборат (1. 32).

Ҳажми-1 бет.

8. Иловалар- битирув иши матнидаги айрим қисмлар учун зарур бўлганда кўргазмали чизмалар ва маълумотлар келтирилади.

Битирув малакавий иши битирувчиларнинг ўқиган тилида ёзилиши мумкин. Хорижий тилда ёзилган битирув ишига давлат тилида аннотация ёзилади.

8. БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИГА БЕРИЛАДИГАН МУЛОҲАЗА ВА ТАҚРИЗЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Битирув малакавий ишига раҳбар хулосаси ҳамда ташқи тақриз берилади. Раҳбар хулосаси ва ташқи тақризда қуйидаги масалаларнинг ёритилиши шарт:

Илмий раҳбар хулосасида:

1. Битирув малакавий ишининг долзарблиги;
2. Битирув малакавий ишининг мақсад ва вазифалари муаллиф томонидан қай даражада ёритилганлиги;
3. Битирув малакавий ишидаги мавзунинг илмий жиҳатдан янгилиги;
4. Битирувчининг илмий таҳлил қила олиш қобилиятини қисқача таърифлаш;
5. Битирувчининг хулосалари ва таклифларининг сифати;
6. Битирув малакавий ишининг тингловчининг битирув ишига қўйиладиган талабларга мослиги акс этиши керак.

Ташқи тақризда:

1. Битирув малакавий иши мавзусининг долзарблиги;
2. Битирув малакавий ишидаги кўриладиган масалаларнинг янгилиги ва битирув иши илмий-амалий натижаларини асослаб бериш;
3. Битирув малакавий ишининг мазмуни ва унинг тугалланганлиги даражаси;
4. Материални баён этиш тили ва услуби;
5. Маъруза матнларини қай даражада тайёрланганлиги;
6. Бажарилган ишнинг илмий ва амалий қиймати;
7. Битирув малакавий ишининг битирув ишлари талабларига мослиги баён этилиши керак.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиёти пойдевори // Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Х1 сессиясида сўзлаган нутқи.- Т.:1997.-6 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон-келажаги буюк давлат.-Т.:Ўзбекистон. 1992. –36
3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин.-Т.: Ўзбекистон.1994.-299 б.
4. Илғор педагогик технология: Назария ва амалиёт “Маънавият асослари” дарси асосида ишланган услубий қўлланма. “Абу Али ибн Сино”. Тошкент. 2001. - 80 б.
5. Бўри Зиёмуҳаммадов, Шоира Абдуллаева. Педагогика. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. Тошкент. 2000.- 127 б.
6. А.Нишонов, Б.Хайдаров ва бошқалар. Баҳолаш методлари. Тошкент. Осиё тараққиёт банки. 2003. - 156 б.
7. Н.Х.Авлиёқулов. Замонавий ўқитиш технологиялари. "Муаллиф" 2001.
8. Бородина Н.В., Самойлова Е.С. Модульные технологии в профессиональном образовании.Учеб.пособие.Екатеринбург.- 1998.
9. Селевко С.К. Современные образовательные технологии.М.Изд.Народное образование 1998.
10. Д.Х.Бафоев, Л.П.Узоқова, М.Ахмеджанов. Замонавий ишлаб чиқариш таълими устаси фаолияти тўғрисида. Таълим технологиялари илмий-услубий журнал. №2. Т. 2005. 13 б.
11. Олимов Қ.Т., Узоқова Л.П. Касб ҳунар таълимида амалий кўникмаларни ўрганиш босқичлари. «Касбий таълим муаммолари» республика илмий-амалий конференцияси материаллари» Самарқанд – 2003 й. 72 б.
12. Олимов Қ.Т. Замонавий таълим технологиялари. Монография. Тошкент – 2007. 87 б.
13. Олимов Қ.Т.,Узоқова Л.П. ва бошқалар. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. Касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари учун методик қўлланма.- Тошкент: Фан, 2004. – 119 б.
14. Узоқова Л.П. “Махсус фанларни муаммоли ўқитиш технологияси” Монография.Тошкент-2013
15. Мирсаидов К.Д. ва бошқ. Ишлаб чиқариш таълими. Т.: Ўқитувчи. 2003.
16. Фарберман.Б. Илғор педагогик технологиялар.Т.: Фан. 2000.125 стр.
17. Р.Мавлонова. О.Тўраева. К.Холиқбердиев . «Педагогика» «Ўқитувчи» - 2001

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

“МУҲНАДИСЛИК ТЕХНИКА” ФАКУЛЬТЕТИ

“ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ЖИҲОЗЛАР” КАФЕДРАСИ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИГА ТУШУНТИРИШ ЁЗУВИ

Мавзу: КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА ЎҚИТИЛАДИГАН “ТИКУВЧИЛИК КОРХОНА ЖИҲОЗЛАРИ” ФАНИНИНГ ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРГА АСОСЛАНГАН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА УНИ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИГА ТАДБИҚ ЭТИШ.

Бажарди: **24-10 МСЕР гуруҳи талабаси Алиев П.А.**

Раҳбар: **доц.Л.П.Узоқова**

Битирув малакавий иши кафедра мудири томонидан кўриб чиқилди ва ҳимояга рухсат этилди.

“ТваЖ” кафедраси мудири: **доц.Мусаев С.С.**
МТФ декани: **доц.Ўринов Н.Ф.**

Бухоро – 2014

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш ……

1.Малакавий битирув ишини бажаришнинг мақсад ва вазифалари ……...

2.Малакавий битирув ишларининг мавзулари …….

3.Малакавий битирув ишига раҳбарлик қилиш ……...

4.Малакавий битирув ишининг бажарилиши ……

5.Малакавий битирув ишини ҳимоя қилиш ……...

6.Малакавий битирув ишларига қўйиладиган талаблар ……...

7.Малакавий битирув ишининг мазмуни ……...

8.Малакавий битирув ишига бериладиган мулоҳаза ва тақризларга қўйиладиган талаблар ……

Фойдаланган адабиётлар рўйхати ……

Илова ……...